

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА ДУНЁВИЙ ВА ИЖТИМОИЙ ДАВЛАТНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА ДИНИЙ ВА ДУНЁВИЙ МАФКУРАЛАРНИНГ УЙЎНЛИГИ



<https://doi.org/10.5281/zenodo.12189364>

Алиев Бекдавлат

Тошкент давлат иқтисодиёт университети

Фалсафа фанлари доктори, профессор

Байалиев Джахонгир Кайнарбекович

Тошкент давлат иқтисодиёт университети

Фалсафа фанлари номзоди, доцент

jahangirbayaliev1972@gmail.com

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада янги Ўзбекистонда дунёвий ва ижтимоий давлатни шакллантиришда дунёвий ва диний мафкураларнинг ўзаро уйғунлиги, ўзаро муносабатларининг ўзгариш тенденциялари фалсафий таҳлил қилинган. “Мафкура” тушунчасини, унинг шаклланиши ва функциялари таҳлиliga таянган ҳолда аниқланиб, унинг турли даражалари тавсифланган. Мафкура тушунчаси масаласида турли қарашларга муносабат билдирилган. Диний ва дунёвий мафкуралар, уларнинг ўзига хос хусусиятлари, жамият тарихида улар ўртасидаги алоқадорликнинг ижобий ва салбий оқибатлари таҳлил қилинган. Янги Ўзбекистоннинг янги типдаги жамиятга ўтиш шароитида диний ва дунёвий мафкуралар ўртасидаги зиддиятли муносабатлар, уларнинг ўзига хос хусусиятлари, асосий омиллари аниқланганлиги ва таҳлил қилинган. Янги демократик жамият қуриш шароитида диний ва дунёвий мафкуралар ўзаро ҳамкорлигининг самарадорлигини ошириш муаммосини фалсафий таҳлилнинг алоҳида тадқиқот объекти қилиб олинган ҳамда диний ва дунёвий мафкуралар ўзаро муносабатлари ва ҳамкорликларини такомиллаштириш тизимнинг ижтимоий ўзгаришларда ролини оширишдаги аҳамияти ҳақида сўз кетади.

Калит сўзлар: жамият, динийлик, дунёвийлик, мафкура, диний мафкура, дунёвий мафкура, динийлик ва дунёвийликнинг ўзаро муносабати, гоёвий тарбия, ҳамкорлик, диалог, конструктив диалог, илмий билим, диний билим.

ГАРМОНИЯ РЕЛИГИОЗНОЙ И СВЕТСКОЙ ИДЕОЛОГИЙ В СТАНОВЛЕНИИ СВЕТСКОГО И СОЦИАЛЬНОГО ГОСУДАРСТВА В НОВОМ УЗБЕКИСТАНЕ

Алиев Бекдавлат

Ташкентский государственный экономический университет
доктор философских наук, профессор

Байлиев Джахонгир Кайнарбекович

Ташкентский государственный экономический университет
кандидат философских наук, доцент

jahangirbayaliev1972@gmail.com

АННОТАЦИЯ

В данной статье философски анализируется взаимная гармония светской и религиозной идеологий и меняющиеся тенденции их отношений в процессе становления светского и социального государства в новом Узбекистане. На основе анализа понятия «идеология», его формирования и функций описываются различные ее уровни. По поводу понятия идеологии высказывались разные точки зрения. Анализируются религиозная и светская идеологии, их характеристики, положительные и отрицательные последствия их взаимодействия в истории общества. Определены и проанализированы конфликтные отношения между религиозной и светской идеологиями, их специфика, основные факторы в условиях перехода к новому типу общества нового Узбекистана. В условиях построения нового демократического общества проблема повышения эффективности взаимного сотрудничества религиозной и светской идеологий вынесена в качестве отдельного исследовательского объекта философского анализа, а также важность совершенствования взаимоотношений и сотрудничества религиозной и светской идеологий. в повышении роли системы в социальных изменениях.

Ключевые слова: *общество, светское, религиозное, идеология, светская идеология, религиозная идеология, взаимоотношение религиозного и светского сотрудничества, диалог, конструктивный диалог, научное знание, религиозное знание.*

HARMONY OF RELIGIOUS AND SECULAR IDEOLOGIES IN THE FORMATION OF A SECULAR AND SOCIAL STATE IN THE NEW UZBEKISTAN

Aliyev Bekdavlat

Tashkent State Economic University

Doctor of Philosophy, Professor

Bayaliev Jahongir Kaynarbekovich

Tashkent State Economic University

Candidate of Philosophy, Associate Professor

jahangirbayaliev1972@gmail.com

ANNOTATION

This article philosophically analyzes the mutual harmony of secular and religious ideologies and the changing trends in their relations in the process of establishing a secular and social state in the new Uzbekistan. Based on the analysis of the concept of “ideology”, its formation and functions, its various levels are described. Different points of view have been emphasized regarding the concept of ideology. Religious and secular ideologies, their characteristics, positive and negative consequences of their interaction in the history of society are analyzed. The conflict relations between religious and secular ideologies, their specificity, and the main factors in the conditions of the transition to a new type of society in the new Uzbekistan are identified and analyzed. In the context of building a new democratic society, the problem of increasing the effectiveness of mutual cooperation of religious and secular ideologies are raised as a separate research object of philosophical analysis, as well as the importance of improving the relationship and cooperation of religious and secular ideologies. in enhancing the role of the system in social change.

Key words: society, worldly, religious, ideology, worldly ideology, religious ideology, relations of religious and worldly, contribution, dialogue, constructionally dialogue, science, religious knowledge.

КИРИШ

Янги Ўзбекистонда дунёвий ва ижтимоий давлатни шакллантиришда дунёвий ва диний мафкураларнинг ўзаро уйғунлиги турли тарихий даврларда ўзгариб, янги хусусиятлар, шакллар касб этган. Жамият тараққиётининг ҳозирги даври бу жиҳатдан янада мураккаб бўлиб, ўзаро муносабат, шароитлари, имкониятлари, шакл ва воситалари, зарурият ва оқибатлари олдинги даврлардаги ҳолатдан тубдан фарқ қилади. Постиндустриал жамиятнинг шаклланиши, бутун дунёда, барча соҳада тобора чуқурлашиб

бораётган глобаллашув жараёни, мамлакатларнинг ижтимоий-иқтисодий, маънавий ҳаётида шундай муаммоларни келтириб чиқармоқдаки, улар диний ва дунёвий мафкуралар ўртасидаги муносабатнинг, курашнинг шакллари, йўналишларига ҳал қилувчи таъсир ўтказмоқда, жамият истиқболи нуқтаи назардан улар ўртасидаги муносабатнинг самарали йўналиш ва шакллари танлаб олишни зарур қилиб қўймоқда.

Шу муносабат билан мазкур мақолада постиндустриал жамият, глобаллашув жараёнларининг моҳияти, хусусиятлари, жамият ва инсон ҳаётига таъсирлари қандай муаммоларни келтириб чиқараётганлиги, бу даврда диний ва дунёвий мафкуралар ўзаро муносабатининг мазмуни, шакли ва мақсадларида қандай жараёнлар, тенденциялар намоён бўлаётганлигини таҳлил қиламиз.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДЛАР

Мустақиллик йилларида динга муносабат янгича тамойиллар асосида шаклланди. Президент И.Каримовнинг асарларида жамият тарихи, бугунги тикланиш даврида диннинг беқиёс роли, динга муносабат тамойиллари назарий асослаб берилди. Дин ва диний мафкура, унинг янги жамият куришдаги аҳамияти ҳақида мақолалар, тўпламлар нашр қилинди, монографиялар ёзилди. Нашр этилган бу ишларда диний маънавиятнинг миллий кадриятларга сингиб кетганлиги, юксак маънавиятимизнинг таркибий қисмига айланганлиги, тарихимизда муҳим ўрин тутганлиги ва янги жамият куришда диний ва дунёвий мазмундаги турли қарашлар ҳамкорлиги зарурияти у ёки бу даражада ёритиб берилган.

Сўнги йилларда ислом мафкурасини илмий тадқиқ қилган диссертациялар ёзилди. С.М.Арифханова ўз илмий ишида исломнинг ахлоқий тамойилларини минтақамиз халқлари маданиятининг ажралмас қисми сифатида таҳлил қилади, унинг маънавиятимиздаги ўрнини ишончили далиллар асосида исботлайди[1].

П.Ж. Абдуллахонов эса ўз номзодлик ишида Ўрта Осиё халқлари маданияти тизимида исломнинг ўрнини таҳлил қилган[2]. Б.М. Бобожанов XVI асрнинг биринчи ярмида Моворауннаҳрда Нақшбандия шайхларининг сиёсий фаолиятини таҳлил қилиб, исломнинг мафкура сифатида жамиятга таъсирини чуқур таҳлил қилиб берган. З.Алимова эса ислом динида ижтимоий адолатнинг намоён бўлиш хусусиятларини кўрсатиб берган. Айниқса динни ниқоб қилиб олган радикал йўналишдаги оқимлар, ҳаракатлар, уларнинг манбаларини ўрганиш бўйича салмоқли ишлар қилинди.

Сўнги йилларда дунёвийлик категориясини фалсафий тадқиқ қилишга бағишланган илмий ишлар яратилмоқда[3]. Бу ўринда бундай ишларнинг дастлабки салмоқли натижаси бўлмиш “Дунёвийлик фалсафаси”, “Дунёвийлик

ва ижтимоийлик” мақолалар тўпламини таъкидлаб ўтиш жоиз. Хусусан тўпламлардан ўрин олган Тоҳир Каримнинг “Дунёвийлик фалсафаси” мақоласида дунёвийлик фалсафий категория сифатида таҳлил қилинади, унинг жамият илмий-фалсафий камолотидаги ўрни кўрсатиб берилади. Тўпламдаги қатор мақолаларда ҳам дунёвийликнинг моҳияти таҳлил қилинган.

Диний ва дунёвий мафкураларнинг моҳияти масаласи ҳам у ёки бу даражада тилга олинади. Т. Карим, Ҳ. Алиқулов, Ҳ. Аҳмедова, Н. Жўраев, Ж. Қодиров, У. Қудратова, Ф. Мусаев, А. Очилдиев каби кўплаб тадқиқотчиларнинг мақолаларида диний ва дунёвий мафкуралар, уларнинг жамиятимиз ҳаётидаги ўрни масаласи таҳлил қилинади. Президент ҳузуридаги Давлат ва жамият қуриш Академияси жамоавий муаллифлар томонидан нашр қилинган “Миллий ғоя ва раҳбар масъулияти” китобида, “Вайронкор ғояларнинг шаклланиш босқичлари” номли махсус боб ажратилган бўлиб, мазкур бобда диний асосдаги ғояларнинг шаклланиши хусусиятлари ҳақида ҳам мулоҳазалар юритилган[4].

А. Абдуллахонов, З. Алимова, С. Арифханова, А. Бойназарова, Ш. Евкачев, Д. Каримов, Ҳ. Расулов, М. Собироваларнинг номзодлик диссертацияларида диний ва дунёвий мафкураларнинг шаклланиши масаласига диққат қилинади.

Бироқ бу илмий-тадқиқот ишларида диний ва дунёвий илмлар муносабати таҳлил этилади, “дунёвийлик” ва “илмийлик” тушунчалари бир хил маънода тушунилади, ёки “динийлик” ва “дунёвийлик” категориялари фалсафий жиҳатдан қаралади. “Диний мафкура”, “Дунёвий мафкура” тушунчалари, уларнинг ўзаро муносабати, таъсири ҳозирги пайтгача илмий адабиётларда фалсафий таҳлил объекти қилиб олинган эмас. Динийлик ва дунёвийликнинг айнан мафкуравий жиҳатларини илмий таҳлил қилиш, уларнинг мафкура сифатида қарор топиши ва ривожланиш хусусиятларини, жамият тараққиётидаги ролини ҳолисона ўрганиш ҳозирги даврда долзарб муаммолардан бирига айланиб бормоқда.

Диний ва дунёвий мафкураларнинг ижтимоий, фалсафий илдизларини чуқур илмий таҳлил қилиш, уларнинг ижтимоий муҳит талабларига кўра ўзаро муносабатларини, жамият ривожига бўлган таъсирини кўрсатиш муҳим назарий ва амалий аҳамият касб этмоқда. Ҳозирги даврда диний ва дунёвий мафкуралар ўртасида самарали диалог масаласи фалсафий тафаккурнинг таҳлил объектига айланиб бораётганлигини таъкидлаб ўтишимиз зарур. Глобаллашув шароитида диний ва дунёвий мафкураларнинг шаклланиш манбалари, ўзига хос хусусиятлари, бир-бирларига ва ижтимоий муаммоларни ҳал қилишдаги ўринларини илмий ўрганиш мазкур масалада тасаввуримизни кенгайтиради, бойитади, ҳолисона муносабатни шакллантиради.

Ўзбекистонда дунёвийликка асосланган демократик давлат, фуқаролик жамиятини куриш ҳам диний ва дунёвий мафкураларнинг ҳамжиҳатлиги, ҳамкорлиги асосидагина амалга ошиши мумкин[5]. Айниқса ҳозирги шароитда диний ва дунёвий мафкураларга бўлган муносабатларда бир томонламалик, уларнинг у ёки бу хусусиятларини холисона баҳолай олмаслик ҳам назарий ва амалий жиҳатдан катта зарар келтиради.

НАТИЖАЛАР

Аввало “диний мафкура”, “дунёвий мафкура”, “нодиний мафкура”, “атеистик мафкура” тушунчаларининг нисбати аниқлаб олинади. Диний ва дунёвий мафкураларнинг моҳияти, хусусиятлари, жамият ҳаётидан ўринлари ҳозирги фан даражасида тадқиқ қилинган.

Диний ғоялар у ёки бу даражада тизимга тушганда, маълум мақсад ва манфаатлар асосида шакллангандагина диний мафкура тўғрисида гапириш мумкин. Шундагина у таълимот (доктрина) сифатида бошқа мафкуравий тизимлардан фарқланади ва улар билан муносабатда бўлади. Унгача бўлган ғоя, қарашларни дунёқараш тушунчасида ифодалаш ўринлидир. Бинобарин, диний мафкура турли ижтимоий гуруҳларнинг жамиятдаги мақомлари ва ўзига хос манфаатлари билан боғлиқ. Мақолада “дунёвийлик” тушунчаси, унга берилган таърифлар ҳам таҳлил қилинади. Бу тушунча бир қарашда ҳаммага тушунарли, жуда оддий, лекин ўз таркибидаги ёки ўзаро яқин тушунчалардан (масалан атеизм, дуализм, деизм, матереализм ва ҳ.к.) тафовутларини тушуниб олиш лозим. Биз ана шу тамойилдан келиб чиқиб, мавжуд таърифларга муносабат билдириб дунёвий мафкурага қуйидагича таъриф берамиз:

Дунёвий мафкура деб дунё ва инсон ҳаётини ундан ташқарида ва устун турган илоҳий куч билан эмас, ўзи яшаб турган моддий дунёнинг ягона реаллиги, унда инсоннинг ўрнини рационал мантиқий тафаккурга, тажрибага таяниб асослаб берувчи идеалларга, қадриятларга, ғоялар ва қарашлар мажмуига айтилади.

Диний мафкура деб эса, дунё ва инсон ҳаёти моҳиятини илоҳий куч билан боғловчи, шу асосда жамият ёки айрим гуруҳлар манфаатларини ифодаладиган идеалларга, ғоялар ва қарашлар мажмуига айтилади.

Масалан, турли динларни олайлик. Улар бир-бирига қарши курашиш билан бир қаторда бир-бирини бойитган ҳам. Худудимизда пайдо бўлган зардуштийлик ҳинд дини ва фалсафасига, Ведаларга бориб тақалади. Ўз навбатида ундаги ғоялар, қарашлар ва айрим маросимлар (жаннат, дўзах, қил кўпирик, фаришталар, оловга муносабат ва ш.к.) иудаизм, христианлик динларига, улар орқали ислом динига ўтган.

Фалсафада пантеизм, деизм, дуализм оқимлари унсурларини ислом мамлакатлари мутафаккирлари ижодида ҳам кўрамиз. Унда диний ва дунёвий мафкуралар кураши намоён бўлади. Муслмон дунёсида Закариё ар-Розий, ал-Мутанаббӣ, Абу Ало ал-Маърий диний қарашларга[6] зид дадил фикрлар билан чиқдилар, ундаги айрим ғояларни ошкора танқид қилдилар. Аждодларимиз бўлган Форобий, Умар Хайём, Беруний, Ибн Сино каби буюк файласуф ва олимлар ҳам хур фикрлилик намуналарини кўрсатдилар. Муслмон дунёсида кенг тарқалган икки ҳақиқат назарияси дунёвий, илмий мулоҳазаларнинг эркин ривожланишига яхши имкон яратди.

Диний мафкурада дунёвий мафкураларда бўлганидек ўзгариш ва янгиланиш жараёни ҳар доим кечган. Аммо ҳозирги даврда диний мафкуранинг эволюцияси ва тараққиёти дунёвий мафкуралар билан муносабати қатор ўзига хос хусусиятларга эга. Бу ерда ўзига хос кураш тўхтаб қолмаганлиги, янги – янги шаклларда давом этаётгани диссертацияда асослаб берилди. Дин инсоният жамиятининг ажралмас таркибий қисми бўлиб, жамиятда турли манфаат, интилишларга эга гуруҳлар, ижтимоий қатламлар мавжуд экан, муқаррар суратда мафкуравий функциялар касб этади ва ижтимоий ҳаётни бошқаришда, истиқбол йўлларини белгилашда ўз ўрнига эга бўлади. Диний ва дунёвий мафкуралар ўртасида муносабат турли шакл ва мазмун касб этиб келган, очиқ ва яширин, динийлик бағрида ва ундан ажралган ҳолда давом этган. У ёки бу томон мутлақлаштирилганда эса, инкор қилинган томон ҳаёт-мамот кураши олиб борган ва охир-оқибатда ўзлигини сақлаб қола олган.

МУҲОКАМА

Жамият тараққиётининг ҳозирги даври бу жиҳатдан янада мураккаб бўлиб, ўзаро муносабат, шароитлари, имкониятлари, шакл ва воситалари, зарурият ва оқибатлари олдинги даврлардаги ҳолатдан тубдан фарқ қилади.

Ноанъанавий диний ҳаракатлар ва ташкилотларнинг кўпчилиги ХХ асрнинг 60 – 70 йилларида АҚШ ва Ғарбий Европада пайдо бўлди, кейин бутун дунёга тарқала бошлади. Диний жамоа аъзоларининг турмуш тарзи қатъий белгиланиб кўйилган тартиблар, ижтимоий ҳаётдан узоқланиши билан ҳаракатланади, ўз раҳбарларига сўзсиз бўйсунушлари талаб қилинади. “Севги оиласи” сектаси ҳеч бир чекланмаган сексуал муносабатлар воситасида “диний тозаланиш” йўли билан “худонинг ўғли” бўлишни таълим беради. Жанубий Кореялик Сан Мун асос солган “Бирлашган черков” сектаси аскетик турмуш тарзини тарғиб қилади. “Пайғамбар” Мун билан жинсий алоқа аёлларни “тозалар” эмиш. “Киришнани англаш Халқаро жамияти” ноанъанавий дини фан ва таълимга оид барча қадриятларни инкор қилади, спорт билан шуғулланишни, кофе, чой, гўшт, тухум истемол қилишни тақиқлайди”[7:1].

Ноанъанавий диний ҳаракатлар ва ташкилотлар жамият ва оиладан ажралишини, дунёвий кадриятлардан воз кечиб, диний жамоанинг қатъий талаблари асосида дарвешона ҳаёт кечиришни тарғиб қилади. Айрим диний жамоалар ўз аъзолардан квартиралари ва барча бойликларини жамоага ўтказишини талаб қиладилар.

Ноанъанавий динларнинг ишлаб чиқилган диний таълимот тизими йўқ, таълимотда анъаналар ва урф-одатлар йўқ. Улар турли динларнинг тасаввур ва ғояларидан фойдаланадилар, тушунарсиз, сирли, экзотик таълимот сифатида тақдим қилишга уринадилар. Улар мавҳум худога эмас, асосан конкрет, жонли “худога” – мазкур дин асосчиларга сиғинадилар. Янги динлар расмий кадрият ва идеалларга муҳолифатда бўлиш билан характерланадилар”[7:2].

Агар мафкуравий тарбияга кучли эътибор берилмаса, ноанъанавий диний ҳаракатлар ёшлар (нафақат ёшлар) нинг бир қисми онгига ҳалокатли таъсир кўрсатиши мумкин. Чунки ўтиш даврининг иқтисодий жараёнлари янгича ижтимоий муносабатлар талабларига мослашишни, замонавий касбларни эгаллаб, ижодкорлик, тадбиркорлик билан меҳнат қилишни тақазо қилади, табақалашув, ишсизлик ва бошқа салбий жараёнлар кечиши ҳам муқаррар. Бундай шароитда ноанъанавий динлар тарқалиши учун муҳит шаклланади. Чунки бу ҳаракатларнинг кўпчилиги йирик бизнес билан шуғулланади ва фаол миссионерлик фаолияти олиб боради. Дастлабки даврда ўз аъзоларига алоҳида эътибор, ёрдам бера олади. Масалан, “Бирлашган черков” сектасига қарашли ташкилот ва фирмаларнинг умумий қиймати 100 млн. доллардан кўп, унинг раҳбари Муннинг шахсий бойлиги 15 млн. долларни ташкил қилади. “Худонинг ўғиллари” сектаси раҳбари Д.Бергнинг шахсий бойлиги (секта аъзолари ҳисобидан) ҳам миллионлаб доллар билан ўлчанади. “Кришнани англаш халқаро жамияти” ҳам жуда бой ташкилот бўлиб, кўп сонли ташкилотлардан, бой меценатлар ва хайрия жамиятларидан катта даромад оладилар”[7:3].

Ноанъанавий диний ҳаракатлар, катта ташвиқот ва моддий ёрдам бериш орқалигина эмас, маънавий қашшоқлик, маиший бузуқлик каби омиллар туфайли ҳам айрим гуруҳларни ўз таъсир доирасига олади. Янги диний ҳаракатларнинг асосчилари фақат уларгина мутлақ ҳақиқатни, барча инсоний муаммоларни ҳал қилишнинг тўғри йўлини, қайта туғилиш ва у дунёда ўлмаслик орқали абадий фароғатга эришишни билишларини даъво қиладилар. Уларнинг таълимотлари мистика, сирлилик билан йўғрилган. Масалан, Япониядан тарқалган “АУМ СЕНРИКЁ” деган диний оқим вакиллариининг фаолиятини эслайлик. Улар дунёнинг турли мамлакатларидаги юзлаб ёш йигит-

қизларни иродасидан, онг-шууридан маҳрум қилиб, зомби- яъни манқуртга айлантириб қўйгани яхши маълумку”[7:4].

Ҳақиқатдан ҳам ноанъанавий динларда ёшларнинг ҳиссиётига таъсир этиш, ахлоқий, маънавий жиҳатдан ўзига тортишининг турли услублари қўлланади. Жамоа бўлиб зикр тутиш, қўшиқ айтиш ва рақсга тушиш, жамоа бўлиб Худодан қутқаришни сўраб сиғиниш, экстаз ҳолат кабилар кишини онг-шууридан маҳрум қилади. Бунинг устига ноанъанавий диний ҳаракатлар ижтимоий, маърифий, даволаш- соғайтирувчи, спорт ташкилотлари қиёфасида фаолият юритади. Киришначилар ташкилотларида Худо абадий ёш, соғлом ўсмир йигит қиёфасида тасвирланади. Худо-эркак, жами кришначилар аёл сифатида тасаввур қилинади. Киришнага муҳаббат, унга тинимсиз интилиш эротик томонга эга. Бу муҳаббат индивидуал ва жамоавий медитация орқали диний экстаз ҳолатида ўзининг олий даражасига эришар эмиш. Жамоавий медитацияга иштирокчилар учун сезилмаган ҳолда мусиқа ва рақс ҳаракатлари мантрларни жамоа бўлиб куйлаш орқали амалга оширилади. Киришначилар мантра (“ақлнинг софланиши”) алоҳида аҳамият берадилар. Киришначи ҳар куни 1728 марта куйидаги мантрни такрорлаши керак”[7:5].

Масалан, сўнги вақтларда (аниқроғи январ ойидан эътиборан), халқаро майдондаги янгиликларни кузатиб бораётган бўлсангиз, МДХнинг қатор мамлакатлари, хусусан, Украина, Қозоғистон, Россия ва Қирғизистонда ўсмирлар ўртасида ўз жонига суиқасд қилиш ҳоллари кўпайиб борётгани ҳақида бонг уришмоқда. Маълумотларга қараганда, турли ижтимоий тармоқларда “кўк кит” номи билан разил ғаразғоялар гуруҳи мавжуд. Уларнинг сони битта эмас, бир нечта экани ҳам маълум. Ачинарли ва ташвишлиси шундаки, ҳаётнинг аччиқ-чучиги нима эканини билмайдиган ва дунёқарашни шаклланиш арафасида бўлган ўсмир ёшлардир. Россия, Украина, Қозоғистон ва Қирғизистоннинг ҳар бирида камида 15 нафар ўсмир ушбу ўйин қурбони бўлишга улгирган.”[8:1]

Шуни айтиш керакки, ноанъанавий диний ҳаракатлар ва ташкилотлар инсонни фаол ижтимоий ҳаётдан четлаштиради, инсоният олдида пайдо бўлаётган муаммоларни ҳал қилишга йўналган эмас. Бунинг устига кўплари аъзоларнинг жисмоний ва маънавий саломатлигига зарар етказди.

Аммо ноанъанавий диний ҳаракатларга сиёсатчиларнинг, олимларнинг муносабатлари турличадир. Айримларнинг фикрича, виждон эркинлиги тамойилига асосланиш бу жараённи тан олишни тақазо қилар эмиш. Бизнингча, бундай муносабат, жамият муаммоларини ҳал қилишга, инсон маънавиятини такомиллаштиришга йўналтирилмаган янги динларни қўллаш қандайдир хусусий, сиёсий манфаат, мақсадларни кўзлайди. Айрим олимларнинг фикрича,

жамиятда маълум бир эҳтиёж бўлганлиги учун янги диний ҳаракатлар вужудга келиши заруриятдир. Агар айрим гуруҳларнинг объектив эҳтиёжларини қондирмаганда бу ҳаракатлар ҳам ўз-ўзидан йўқолиб кетар эди. Ноанъанавий динлар жамиятдаги айрим гуруҳларнинг эҳтиёжларини, истак ва манфаатларини ифодалар экан, уларнинг жамият ҳаётидаги маълум ўрнини тан олиш лозим. Бизнингча, ноанъанавий диний ҳаракат ва ташкилотларнинг фаолиятига баҳо берганда, улар қандай эҳтиёж, мақсад, манфаатларни ифодалашидан келиб чиқиши лозим. Ғарб жамиятида кенг тарқалиб бораётган функционал саводсизлик, минг йиллар давомида шаклланган маънавий, ахлоқий умуминсоний қадриятларнинг емирилиб бораётганлиги, оилавий, шахсий муносабатларда индивидуализм, эгоизм каби салбий хусусиятларнинг кучайиб бораётганлиги, турмуш кечиришнинг яхшиланиб боришига қарама-қарши равишда айрим ёшларнинг маънавий тубанлашиб бораётганлиги ва ш.к. салбий ҳодисалар маълум манфаат ва эҳтиёжларни туғдириши мумкин. Жисмонан носоғлом ёки оғир касалликка дучор бўлган шахсларда келажакдан умидсизлик, тушкун кайфият ҳам маълум эҳтиёж ва манфаатларни шакллантиради. Яшашнинг моҳиятини у дунё азобларидан жонини қутқаришда кўрадиган кишилар ҳам, жамият учун анъанавий бўлмаган мусиқа, рақс ва шунга ўхшаш жамоавий ҳатти-ҳаракатлар ҳам айрим кишиларни ўзига жалб қилиши мумкин. Хуллас, ҳар қандай жамиятда жамият такомилига, маънавий тараққиётга мос бўлмаган эҳтиёжлар, манфаатлар жуда кўп бўлади. Янги диний ҳаракатлар ана шундай турли-туман ижтимоий ҳаётдан четлашган, синфсизлашган, жамият тараққиёти талабларига дош беролмаган кишилар интилишлари, эҳтиёжларига мос бўлиши мумкин. Ноанъанавий динларининг мафкураси дунёвийлик мафкураси билан ҳамкорликда ҳал қилиниши мумкин бўлган муаммоларга йўналмаган. Динийлик ва дунёвийлик мафкуралари ўртасидаги ўзаро муносабатни оптималлаштиришда умумий тамойилларга асосланиши зарур. Масалан, жамият муаммоларини ҳал қилишга йўналганлик, муаммоларни жамият маънавиятини юксалтириш орқали ҳал қилиш, умуминсоний қадриятларга асосланиш ва шу кабилар. Ана шу каби тамойилларга зид бўлган ҳолларда динийлик ва дунёвийлик мафкуралари ўртасида кескин зиддиятлар келиб чиқади.

ХУЛОСА

Дунёвий йўлни қатъий танлаган Ўзбекистонда диний ва дунёвий мафкураларнинг аҳамияти демократия, ҳур фикрилилик, бағрикенглик тамойиллари асосида белгиланади. Дин ва диний мафкураларининг миллий тарихий қадриятларни халққа қайтариш, уларни ўрганишдаги ролидан ташқари фуқаролик жамият қуришда ҳам ижобий аҳамияти бор.

Хуллас, Янги Ўзбекистонда дунёвий ва ижтимоий давлатни шакллантиришда дунёвий ва диний мафкураларнинг ўзаро уйғунлиги, динни ва диний мафкурани дин ниқобидаги зарарли, ёд ғояларидан ҳимоя қилиш нафақат мазкур соҳада хизматчиларининг, балки бутун жамиятнинг ишига айланади. Диннинг мафкуравий функцияларига нисбатан диннинг ижтимоий номафкуравий функциялари устувор аҳамият касб эта боради. Ўзбекистоннинг биринчи Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидай дин ўз ишини қилса кишилар маънавий ҳаётида яхши натижа бериши мумкин.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ (REFERENCES)

1. Арифхонова С.М. Нравственные принципы ислама как компонент культуры народов центральной Азиатского региона (методол. анализ) – Дисс.... к.ф.н. Т – 1993.
2. Абдуллахонов П.Дж. Ислам в системе культуры средназиатеких народов методол.аспекты исследования проблемы. – Дисс... к.ф.н. Т.: - 1992.
3. Алимова З. Ижтимоий адолат тамойиллари ва унинг ислом динида намоён бўлиш хусусиятлари. Ф.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. Т.- 2006.
4. Дунёвийлик фалсафаси. Тўплами, Т.: ТДЮИ, 2007; Дунёвийлик ва ижтимоийлик. Т.: Чўлпон, 2008.
5. А. Бобоев. Ҳозирги даврда динийлик ва дунёвийликнинг ўзаро муносабати ҳақида. Тўплам, Т.: Чўлпон, 2007, 120-б.
6. Сайид Мужтоба Мукни Мусави Лари. Западная цивилизация глазами мусулманина. Баку.: Иршод, 1992.- С.117-119.
7. Каримов И.А. Жамиятимиз мафкураси халқни-халқ, миллатни-миллат қилишга хизмат этсин.-Т.: “Ўзбекистон”, 1998.- 6-7 -бетлар.
8. Круглов. А.А. Основы религоведения. Минск.: Тетра системс, 2002.- С. 151-158.
9. www.Kun.uz.